

Жорий йилнинг сентябрь ойи Ўзбекистон Бош прокуратурасининг Гулнора Каримова ва унинг ҳаммаслақларига қарши очилган иш ҳақидаги хабарлари кўпайиши билан эсда қолди. Қонун ҳимоячиларининг бу қадар жасур чиқишларининг замирида мамлакат президентининг қизини амалда жавобгарликка тортиш нияти борлиги билан асослаш қийин. Тошкентдаги манбаларимиз етказган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Бош прокуратуранинг юқорида тилга олинган хабарлари жамоатчиликни бошқа бир воқеадан чалғитишга қаратилган. Шундай қилиб...



У. ҲАҚНАЗАРОВ: “АРГЕНТИНА” ЛОЙИҲАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА, ЁХУД ГУЛНОРА КАРИМОВАНИНГ “ҚОЧИШИ” ҲАҚИДА

Гулнора Каримованиннг “қочиши”

Шу йилнинг 10 сентябрь куни Гулнора Каримова Москвага учиб кетди, шундан кейин Тошкентга ҳам, Ўзбекистонга ҳам қайтмади. Унинг шу кунгача қаердалиги, Россияда ёки дунёнинг бошқа мамлакатларида, — номаълум. Шуниси маълумки, Москвадан у Европа мамлакатларидан бирига (таҳминларимизга кўра, Олмония ёки Англияга) йўл олган. Яна шу нарса маълумки, Ўзбекистондан чиқиб кетиши олдида Гулнора Каримова мамлакат президентини огоҳлантирган ва ундан ружсат олган.

Аввалги мақоладримизда биз “таъқибдаги” Гулнора Каримова республикадан ташқарига чиқадиган бўлиб қолгани ҳамда бир неча мамлакатларга ташриф буюргани ҳақида ёзган эдик. Гулнора Каримованиннг ўша ташрифлари 10-15 кул давом этиб, шу муддат ўтгач у Ўзбекистонга қайтиб келишга одатланган эди. Бироқ Г. Каримованиннг бу галги хорижий сафари бир ойдан ошиб кетмоқда. Таҳминимизча, Гулнора Каримова мамлакатдан “қочиб” кетган.

Бу галги сафаридан олдин у “қочиши” ҳақида президент Каримовни огоҳлантирган бўлиши мумкин. “Қочиш” сўзини биз атайлаб қўштирноқ ичида ёзаяпмиз, чунки бу иш президент оиласи томонидан саҳналаштирилган воқеа ва “Аргентина” лойиҳасининг бир қисми бўлиши мумкин. Шуниси ҳам эътиборга олиш керакки, вазиятга қарарб ёки президент оиласининг талаби билан Г. Каримова бошқача қарорга келиши ва мамлакатга қайтиши ҳам мумкин.

Манбаларимиз тақдим этган маълумотларга кўра, Гулнора Каримованиннг “қочиши”га унинг онаси Татьяна Каримованиннг ҳатти-ҳаракатлари сабаб бўлган. Хусусан, президентнинг рафикаси республика Бош прокурори Рашиджон Қодиров ва МХХ раиси Рустам Иноятовдан Гулнора Каримовани ўзбек махсус хизматларининг Тергов изоляторига (ТИЗОга) жойлаштиришни талаб қилган. Ўз қизи гулнораниннг атиги уй хибсда эканлигини назарда тугтан Татьяна Каримова: “Нега ушбу жиноий гуруҳнинг оддий ижрочилари изоляторда, унинг раҳбари эса уйида дам оляпти?!” — деган.

Лекин мамлакат президентининг газабига учрашдан кўрққан Қодиров ва Иноятов Г. Каримовани МХХнинг ТИЗОсига жойлаштирига ботина олишмади. Прокурорбоши ва айғоқчибошидан наф чиқмагач, татьяна Каримова ушбу масалани ўз турмуш ўртоғининг олдида кўтаришга қарора қилган. Президент билан учрашув чоғида Т. Каримова ўз қизи гулнорани МХХнинг тергов изоляторига “тиқиш”ни талаб қилиб, Қодиров ва Иноятов шу талабни бажармаётганлари ҳақида шикоят қилди. Президент Каримов бу масалани ўйлаб кўришини ҳамда Бош прокурор ва МХХ раиси билан гаплашишини айтган.

Эртаси куни Гулнора Каримова ушбу суҳбат ҳақида хабар топади. Суҳат мавзусини Гулнорага аввал Иноятовнинг “айғоқчи”лари, кейин эса Г. Каримова унинг шерикларига қарши жиноий ишни олиб бораётган Бош прокуратура терговчилари етказишади. Мххчилар Гулнора Каримовага МХХнинг ТИЗОсига узоқ муддатга “жойлашиш” ҳавф солаётгани ва воқеаларнинг бундай тус олишига қарши чора кўриш

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

зарурлиги ҳақида ишора қилишади.

Бироқ прокурорлар Гулнорага ашқло-дашқолларни йиғштириб, мамлакатдан қочиш кераклиги тўғрисида очиқ айтишади. Тошкентдаги манабаларимизнинг маълумотларига кўра, терговчилардан бири президентнинг тўнғич қизига: “Сизни фақат қочиш қутқариб қолиши мумкин. Акс ҳолда биз Сизни Гвардейский кўчасига (Ўзбекистон МХХ ТИЗОси жойлашган кўчага – У.Х.) юборишга мажбур бўлаемиз”, — деган.

Манабаларимизнинг хабарларига кўра, айнан мана шу даъватлар туфайли Г. Каримова мамлакатдан чиқиб кетишга қарор қилган. “Қочиш”нинг айнан мана шу сабабини асословчи ягона далил шуки, Г. Каримова Ўзбекистондан чиқиб кетганидан 10 кун ўтгач, президентнинг тўнғич қизини ТИЗО хавфи ва қочиш кераклиги ҳақида огоҳлантирган барча терговчилар зудлик билан ҳисба олинган ёки ишдан бўшатирилганлар. Манабаларимиз тақдим этган маълумотларга кўра, уларнинг (жами 18 кишининг) ҳисба олинishi ва ишдан бўшатилиши Татьяна Каримованинг талаби билан мамлакага оширилган.

Бироқ биз “Гулнора Каримова ҳақиқатдан ҳам мамлакатдан қочиб кетди, бу ишни у онасининг ғазабдан омон қолиш ва панжара ортига тушишдан қутулиш учун қилди”, деган таҳминга шубҳа билан қараймиз. Бизнингча, ушбу “қочиш” президент оиласи ва мамлакат раҳбарияти томонидан уюштирилган “сахна кўриниши” бўлиши мумкин. Шундай қилиб...

Аргентиналик дипломатнинг Тошкентга ташрифи

2014 йилнинг 5-7 сентябрь кунлари Аргентина Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Эдуардо Антонио Зуаиннинг Тошкент сафари бўлиб ўтди. Уч кунлик ташриф давомида аргентиналик дипломат Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Абдуллазиз Комилов ва президент Ислам Каримов билан учрашди.

Расмий ўзбек матбуоти Эдуардо Антония Зуаин фақат А. Комилов билан учрашган ҳақида ёзди. Уша хабарда ҳам: “суҳбат давомида икки мамлакат ўртасидаги сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, маданий-инсонпарварлик ва

бошқа соҳалардаги алоқаларнинг бугунги аҳволи ва ривожланиш истиқболлари муҳокама қилинди. Икки томон ҳам ўзбек-аргентина музокараларини муқимлаштириш, унга кўп тарафли тус бериш зарурлигини таъкидлашди”, деган куруқ сўзлар ёзилди.

Эдуардо Антонио Зуаин ва президент Ислам Каримов ўртасида бўлган суҳбат ҳақида эса ўзбек расмий матбуоти лом мим демади, чунки ушбу учашув ёпиқ эшиклар ортида уюштирилди. Каримова ва Зуаин учрашувида Аргентинанинг Россиядаги элчиси Пабло Ансельмо Теттаманти қатнашди ҳолос. Лекин у ҳам фақат таржимон сифатида иштирок қилди.

Каримова ва Зуаин ўртасида ўтказилган суҳбат мазмуни бизга номаълум. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу учрашувдан тўрт кун ўтгач, яъни 2014 йил 10 сентябрь кун, Ўзбекистон президентининг тўнғич қизи зудлик билан мамлакатдан чиқиб кетди ва ҳаиғача республикага қайтиб келмади. Шу жиҳат “Каримов ва Зуаин махфий “Аргентина” лойиҳасининг бажарилишини муҳокама қилган бўлишлари мумкин”, дейишга асос бўлади.

“Гулнора Каримова ҳозир Аргентинада бўлиб, у ерда каримовлар оиласининг ушбу мамлакатда доимий яшаши учун зарур бўлган ҳужжатларни тўлдириш ишларини бошлаб юборган”, деган гумонлар ҳам бор. Таҳминларимизга кўра, яқин орада Ўзбекистондаги ҳуқуқ-тартибот идоралари Гулнора Каримовани расман қидирувга беришади. Ҳозирча эса ўзбек ҳукумати бу ҳақида мавҳум иборалар билан хабар беришни маъқул кўрмоқда. Шундай қилиб...

Бош прокуратура матбуот хизматининг мавҳум баёнотлари

“Ушбу ишнинг жиноий гуруҳдаги баъзи шахслар, хусусан, қидирувда бўлган ёки улар бўйича етарли гувоҳлик кўрсатмалари тўпланмаган шахсларга оид қисмлари алоҳида ишга ажратилди. Хусусан, гап Г. Каримова, ҳамда жиноий гуруҳдаги А. Ғафурова, А. Қурбонов, Б. Сулаймонов, Ш. Комилжонов ва Р. Мустафоев ҳақида кетмоқда”, деган маълумотни шундай хабарлар қаторига киритиш мумкин.

“Етарли гувоҳлик кўрсатмалари тўпланмаган”, деганини қандай тушуниш керак?! Ахир, бу ерда

тергов қилинаётган барча шахс (Авакьян, Мадумаров ва бошқалар) аллақачон Г. Каримовага қарши кўрсатмалар бериб бўлгани, “опа”га қарши расмий айблов билдириш учун фақат унинг отасидан рухсат олиш қолгани оддий одамга ҳам аёнку. Бироқ Бош прокуратура мазкур жиноий гуруҳнинг раҳбари Гулнора Каримова бўлганлиги ҳақида аниқ ва очиқ баёнот беришга шошилмаяпти. Чунки “хоним” ҳали чет элда жойлашиб олгани йўқ.

Таҳминларимизга кўра, Ўзбекистон президентининг тўнғич қизи Аргентина ёки бошқа бир мамлакатда доимий истиқомат қилиш масалаларини узил-кесил ҳал қилиши биланок Ўзбекистондаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар дарров уни жиноий қидирувга беришади. Ана ўшанда республика Бош прокуратурасининг ҳозирги мавҳум баёнотларининг ортидан Гулнора Каримовага қарши аниқ ва чоик айбловлар янграши мумкин.

Ҳозирча эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга хориждан яхши хабарларни кутиш буюрилган. Ҳозирча уларга мамлакатда хавфсизлик чораларини кучайтириш ишларини давом эттириш буюрилган. Шундай қилиб...

Каримов хавфсизлик чораларини кучайтиришни тўхтатмаяпти

Ўз хавфсизлигини таъмонлаш мақсадида Каримова режими кўлидан келган барча – дипломатик, ҳарбий-техник ва ҳоказо чораларни кўрмоқда. Жумладан, шу йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон МХХ ва ТИВ вакиллари Афғонистоннинг Мозори-Шариф шаҳрига ташриф буюриб, президент Каримовнинг тпоширигига кўра кўшшни мамлакат вице-президенти Абдурашид Дўстум билан учрашишди ва “Толибон” ҳаракатининг раҳбарияти билан бўлиши мумкин бўлган музокараларда воситачилик қилишни таклиф қилишди.

Сафида ўзбекистонлик мужоҳидлари бор “Толибон” олдидаги кўркув президент Каримовни бундан сал олдин, шу йил август ойида, Ашхободга ҳам айнан шу таклиф билан чопар юборишга мажбур қилган эди. Афғидан, Каримов: “Толиблар барибир Қобулда сиёсий ҳокимият

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

тепасига келишади, кейин эса 2000 йиллар бошида “Толибон”ни яқсан қилишга киришган НАТОга ёрдам берганим учун мендан интиқом олишади”, деб ўйлайди.

Каримов теварагидаги манбаларимизнинг хабар беришича, ўзбек президентининг афғон мужоҳидларидан ўлгудек кўрқиб телбалик даражасига етган.

Чунончи, шу йил август ойида Каримов махсус буйруқ билан тожикистонлик полковник Махмуд Худойбердиевга тегишли икки минг жангарини Тошкентдан Фарғона ва Сурхондарё вилоятларига, қўшни Тожикистон билан чегарадош тоғли туманларга жўнатган.

Фақат президент Каримовга бўйсунувчи жангарилар Фарғона ва Сурхондарёга келишлари биланоқ маҳаллий аҳолига нисбатан зўравонлик қилишни бошлаб юборишди. Хусусан, Сурхондарёда улар ён-атрфодаги чиройли қизларни ўғирлаб, зўрлаш ишларини авжга чиқаришди. Фарғона вилоятида эса жангарилардан бири ўзига тегишли Калашников автоматига бир магазин ўқни далада ишлаётган трактор ва тракторчига қарата отиб тугатган. Чунки тракторнинг шоқини жангарига уйқу бермаган.

Фарғонада содир бўлган ушбу воқеа вилоят МХХ бошқармаси раҳбариятига етиб боради. Маҳаллий мххчилар Худойбердиев жангариларини тинч аҳолига нисбатан бундай муомалада

бўлиши мумкин эмаслигини тушунтирмочи бўлишади. Лекин жангарилар МХХ генералларини ҳақорат қилиб, жангарилар фақат президент Каримовга бўйсунушларини билдиришади.

Ҳақоратланган фарғоналик генераллар бу ҳақида МХХнинг Тошкентга раҳбарларига хабар беришади. Шундан сўнг МХХ раиси Рустам Иноятов можаро ҳақида президент Каримовга хабар беришади. Жунбушга келган Каримов Махмуд Худойбердиев жангарибошилардан бирини Фарғонага юбориб, айбдор жангарини жазолашни талаб қилади. Тошкентдан келган жангарибоши Фарғонада можарога сабабчи бўлган жангарини жазолашни талаб қилади.

Шунда жангарилар отради бошлиғи тарктор ва тракторчига қарата тинмасдан ўқ узган аскарни ёниг чақиради ва Тошкентдан келган вакил ҳамда Фарғона вилоят МХХ бошқармаси раҳбарияти олдида уни отиб ташлайди.

Президент Каримов фақат ташқи хуружлардан эмас, балки ички ижтимоий “портлашлар”дан ҳам ўлгудек кўрқади.

Хусусан, шу йил июль ойида МХХнинг вилоят бошқармалари ва туман бўлмилари биноларини ўқриклашни кучайтиришга қаратилган ишлар якунига етказилди. Ушбу лойиҳа доирасида бинолар атрофидаги аввалги темир панжаралар ўрнига икки метр баландликдаги ғиштли деворлар қурилиб, тиканли симлар билан жиҳозланди.

Мамлакатда хавфсизлик чораларини кучайтиришда Ўзбекистон президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши мутахассислари ҳам фаол қатнашишди. Жорий йилнинг сентябрь ойида улар республика ИИБ ва МХХга махсус лойиҳа киритиб, унда маҳаллий фоҳишаларни “иш”га чиқаётганда ҳижобда чиқишга мажбурларни таклиф қилишди.

Хавфсизлик Кенгаши таҳлилчиларига кўра, ушбу чора аҳолида ҳижобли муслималарга ва умуман Ислом динига нисбатан нафрат уйғотишга кўмаклашар экан.

Бундан ташқари, Каримов режимининг гояшунослари фикрлашича, “фоҳишаларни ҳижобда юришга мажбурлаш ёш авлодни диний-экстремизмнинг бузғунчи таъсиридан ҳимоя қилади” экан. Шундай қилиб...

Сўнгсўз

Афсуски, Гулнора Каримова атрофидаги воқеалар аввалги мақолаларимизда огоҳлантирганимиз сценарий бўйича ривожланмоқда.

Масалан, манбаларимизнинг Гулнора Каримова Европа давлатларидан биридаги пиар-компанияни ўз ишига жалб қилишни режалаштираётгани ҳақидаги маълумотлари ўз тасдиғини топди.

Ўшанда биз Г. Каримова Германия ва Британиядаги компаниялар билан музокаралар олиб бораётгани ҳақида хабар берган эдик. Яқинда Гулнора Каримованинг пиари билан Лондондаги “Davidson Ryan Dore” компанияси шуғуллана бошлагани жамоатчиликка маълум бўлди.

Бундан ташқари, ўшанда мазкур пиар-компания доирасида Г. Каримованинг ҳимоясига Ўзбекистон фуқаролик жамиятининг баъзи вакиллари ҳам отланиши ҳақида ҳам огоҳлантирган эдик.

Мана энди, Ўзбекистон Бош прокуратураси Гулнора Каримова иши бўйича расмий хабарлар туркумини эълон қилгач, президентнинг “бечора” қизини ҳимоя қилишга “Бирдамлик” халқ ҳаракати, ҳуқуқбон Сайиджаҳон Зайнобиддинов ва бошқалар қалқибди.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
сиёсатшунос





Рустам Азимов Қирғизистон жанубига газ бериш тўхтатилганлик сабабини очиқлади

17 октябрь куни Қирғизистон парламенти «Республика» фракциясининг мажлисида Қирғизистон бош вазири ўринбосари Валерий Диль ўтган ҳафтада Минскда Ўзбекистон бош вазири ўринбосари Рустам Азимов билан учрашишга муваффақ бўлгани ҳақида гапирган. Бу ҳақда Вечерний Бишкек хабар берди.

Қирғизистон бош вазири ўринбосарининг сўзларига кўра учрашув давомида у Ўзбекистон бош вазири ўринбосари Рустам Азимов билан Қирғизистон жанубига газ етказиб бериш масаласини муҳокама қилган. Муҳокама чоғида Рустам Азимов Ўзбекистоннинг Қирғизистон жанубига зангори олов етказиб беришдан бош торганлик сабабига ҳам тўхталиб ўтган. Р. Азимовнинг таъкидлашича Ўзбекистон ҳукуматининг бундай йўл тутиши бевосита «Қирғизгаз»нинг Россия «Газпром» ширкатига сотилиши билан боғлиқдир. Унинг сўзларига кўра, янги ташкил қилинган «Газпром Қирғизистон» корхонаси билан шартномавий асосларнинг йўқлиги Ўзбекистоннинг газ етказиб беришни тўхтатиб қўйишига сабаб бўлган.

«Бироқ айти пайтда Рустам Азимов ушбу масалани кейинчалик яна қайтадан муҳокама қилиш ёки қилмаслик бўйича ҳеч қандай изоҳ бермади», — дейди Валерий Диль.

Хабарда таъкидланишича, бош вазир сўзларини тинглаган депутат Кенжабек Боқоев агар «Қирғизгаз» Россияга сотилмаган тақдирда вазиятнинг қандай бўлиши ҳақида муружаат қилган. Боқоевнинг сўзларига кўра барибир вазият шундай бўлган бўларди.

«Бутун инкироз ҳам шу туфайлидир, сиз фақат бу ҳақда гапиришдан кўрқасиз», — дея таъкидлаган Боқоев.

ЎХХ ахборот бўлими

Фарғона вилоятининг беш нафар божхоначиси порахўрлик туфайли қамалди

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди беш нафар божхона ходимини порахўрлик туфайли порахўрлик туфайли беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилди.

Бош прокуратура идоравий нашри «Ҳуқук» газетасининг ёзишича, божхоначилар давлат ҳисобига мусодара қилинган товарларни махсус дўконга топширишган.

Дўкон эгасидан эса ҳар бир сотилган товарнинг қийматидан 10% миқдоридан пора олиб туришган. Шу йўл билан божхоначилар 2012-2014 йиллар мобайнида умумий қиймати 89,9 млн. сўм миқдоридан пора олишган.

Суд божхоначиларни харбий

даражаларидан ва божхона органларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган. Бундан ташқари божхоначилардан пора сифатида олинган пулларнинг давлат фойдасига ундириб олиниши ҳақида қарор чиқарган.

Эслатиб ўтамиз, шу ой бошида Тошкент вилоят божхона хизматидан беш нафар юқори лавозимли ходим қўлга олингани, вилоят божхона бошқармаси раҳбари ва унинг ўринбосарлари, шунингдек Қозоғистон билан чегарадаги «Ғишткўприк» ва Тожикистон билан чегарадаги «Ойбек» комплекслари раҳбарлари устидан текширув жараёни бораётгани ҳақида хабар бергандик.

ЎХХ ахборот бўлими

Хоразмда ҳокимлик йиғилишида ҳақоратланган фермер ўзини осди

Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида пахта планини бажармагани учун туман ҳокимлиги мулозими томонидан ҳақоратланган фермер Ҳабибулло Эгамбердиев уйига қайтгач, ўзини осди. Ҳазорасп тумани ҳокимияти расмийлари фермерга тазйиқ ўтказишга оид иттиҳотларни кескин рад этмоқда.

17 октябрь куни рўй берган бу ҳодиса ҳақида исми айтилмаслигини сўраган ҳазорасплик бошқа бир фермер 21 октябрь куни Озодликка хабар йўллади. Бу манба иттиҳотсиз, туман ҳокимлиги раҳбарларининг пахта режасини бажариш талаби билан Эгамбердиевга мунтазам ўтказган тазйиқлари унинг жонига қасд қилишига сабаб бўлган.

— У 16 октябрь куни пахта топширди. Ҳокимиятдаги йиғилишда плани бажармагани учун гап эшитди. Кейин уйига борган, тунда ҳамма ухлаган пайтда боғидаги дарахтга ўзини осган, — дейди ҳазорасплик фермер.

Ҳазорасп тумани Ички ишлар бўлимининг навбатчиси Мухомон қишлоғида фермер ўзини осиб қўйгани фактини тасдиқлади. Унга кўра, бу ишни ҳозир туман прокуратураси тергов қилмоқда.

Ҳазорасп тумани ҳокимиятидагилар эса фермерга тазйиқ ўтказилганига оид иттиҳотларни кескин рад этди.

— Йиғилиш бўлади, фермерларга пахтани топширинглар, деб уларга айтилади. Лекин, на руҳий ва на жисмоний тазйиқ ўтказилади. У 16

октябрь кунги мажлисга келмаган ҳам эди, — деди Ҳазорасп тумани ҳокимияти расмийларидан бири.

Шунингдек, Ҳазорасп туманининг Дўстлик жамоа хўжалигида ҳам 19 октябрь куни яна бир фермер ўзига ўт қўйган ва қаттиқ куйиш жараҳати билан касалхонага ётқизилгани айтилмоқда. Озодлик манбалари иттиҳотсиз, бу фермер ҳам маҳаллий ҳокимлик вакилларининг босимида чидай олмай ўз жонига қасд қилган.

Лекин, Ҳазорасп тумани Ички ишлар бўлими расмийлари бу ҳолатни тасдиқламади.

Ўзбекистонда фермерларнинг ҳокимлик вакиллари босимида чидай олмай ўз жонига қасд қилиши ҳоллари тез-тез учрайди.

Шу йилнинг июнь ойида Наманган вилояти, Чуст тумани, Баймоқ қишлоғида фермер дала шийпонида ўзини осган эди.

Озодликка хабар берган норасмий манбанинг марҳум яқинларига таяниб айтишича, жонига қасд қилган чуствлик фермерлиги билан боғлиқ муаммолари қаршисида ожиз қолган.

Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимликларнинг зўравонлиги инсонлар ўлимига сабаб бўлгани ҳоллари кўп бўлишига қарамай, ҳаётдан кўз юмган фермер ёки хўжалик раҳбарлари қариндошларига босимлар ўтказилиб, бу жиноятлар жамоатчиликдан сир тутиб келинади.

Манба: ozodlik

Мулла Акрам Йўлдош бошлиқ кичик бизнес гуруҳининг арзимас кўринган ташаббуси, муҳим аҳамият касб эта бошлади. Ҳаракатнинг муваффақияти – йўлнинг тўғри танлаганида эди.

Ишлаб чиқаришнинг сифатга асосланиши, ташқаридан кирган товарларни вилоят бозорларидан шиддат билан сиқиб чиқариб, ташаббус атрофида жипслашганларнинг руҳиятида байрам к а й ф и я т и н и туғдирарди. Одамлар қалбида исломий ҳалолликка таянган ижодкорлик майллари



ХАТОЛАРИ — ЖАЛЛОДАН ИЛТИФОТ КУТДИЛАР

бош кўтариб, тарихий хотиралари уйғона бошлаган эди. Бу ясамалик ва суънийликка суянадиган “Ўзбек модели”и манкуртликларига тамоман ёт бир ҳолат эди.

Иқтисодиёт майдонида, дунёдаги энг номдор фирмалар билан белаша оладиган ўзбек корчалонлари пайдо бўла бошлагани нишонлари кезар, андижонликлар орасида ниш ура бошлаган меҳнат шавқи эрта бир кун ҳақиқий даҳоларни ва фидойиларни кашф этиши мумкин эди.

Саъй-ҳаракатлари самарасини кўраётган ташкилотчиларнинг жўшқинлиги боис, одамларнинг Каримов мустақиллиги сўндирган ҳаётсеварликлари қайта жонлиниб, акрамчиларнинг доврўғи бутун шаҳарни тутиб борарди. Кўйиб берса, бу бутун ўзбекистонликларга ҳам юкарди.

Гуруҳнинг зафарли юриши тилга тушиб, эрта-бир кун одамларнинг эътиборини тортса, мустақиллик улоқчиларининг ҳийла-найранглари фош бўларди. Халқ Хитойдан олиб келинаётган сифатсиз товарларни эмас, улар ишлаб чиқараётган пухта-пишиқ, тоза маҳсулотларни сотиб олардилар.

Шунда, ахлатдан “конфет” ясаб, ялтироқ қоғозларга ўраб бутун Ўзбекистонга чиқиндини олтин баҳосида пуллаётган Хитойнинг даромадига ўт кетарди. Ўзбекистондан турли йўллар билан ташқарига ташиб кетилаётган хом-ашёлар музлатилиб, шу ернинг ўзида қайта ишланарди.

Бутун ўзбек ёшларининг

куч-қуввати, суруру ғайрати ва соғлиқ-саломатлиги эвазига гуллаб яшнаётган Россиядан мардикорлар ортига қайтиб, ўз ота маконлари – Ўзбекистонларида энг шимариб ишга тушардилар. Улар ақл-заковатларини ва азиз умрларини жонажон ўлкалари тараққиётига, миллатнинг гуркираб ривожланишига сафарбар этардилар.

Бу каби ҳақиқий мустақиллик, Каримов ва у бошлиқ ҳукумат манфаатларига мос тушмасди. Агар Ўзбекистон ўзининг азалий кадр-қимматига эга бўлса ёхуд адашган дарё сингари йўқотган қирғоқларини топиб бир замонлардагидек пишқириб оқса, Каримовни зимдан кўллаб-қувватлаб турган Хитой билан Россия, ҳатто жаҳонда демократия кўрикчиси деб кўрилган АҚШ ҳам ундан қаттиқ ранжиган бўларди. Чунки, улар ҳам ўз навбатида, Каримовнинг ношудликларига ўрганиб қолган эдилар. Ухлаётган халқнинг бошига уйғоқ бир раҳбарнинг келишини, улар тасавурларига сиғдира олмас эдилар.

Вазият ўзгарса, президентнинг ўзи ҳам учта буюк аждархонинг Ўзбекистонда турли баҳоналар билан тартибсизликлар келтириб чиқаришидан чўчирди. У учун президентлик курсисини йўқотгандан кўра, бутун андижонликларни отиб ташлаш энгилроқ кечарди.

Минтақада Хитой билан Россияга янги рақобатчи керак эмаслигини яхши тушунган ҳолда,

у учта аждархо орасида марганеткалиқ ролини ўйнар, шу пайтгача жон сақлаб келгани каби бундан кейин ҳам мақсадидан чекинмоқчи эмас эди. Барчасини кўли кафтидагидек кўриб турган учта аждархога эса, така бўлсин, сут берсин эди. Халқ ўз ҳақ-ҳуқуқларини ўзи талаб қилмагандан кейин, жон куйдиришнинг улар учун кизиқ жиҳати йўқ эди.

Халқ ўз озодлиги учун мустабид тузум билан жангга отланганда ҳам, уларнинг бу ҳаракатини исломий фанатизмга ёки экстримизмга

йўйишларига гумон йўқ эди.

Яқин атрофда, Ўзбекистондан бошқа бирор мамлакатнинг икки буюк аждархога тенг келолмаслигини ҳам, Ўрта Осиёнинг тақдири, Ўзбекистонга боғлиқ эканлигини ҳам Каримовни тушунмайди, деб бўлмасди.

Унга бу каби нозик масалалар замирини Владимир Иосифович Бронштейн ва Вячеслав Аркаевич Голищевлар каби хомийлари, аллоқачонлар уқтириб қўйган эдилар.

У Қозоғистон президенти Назарбоев бўлолмаслигини, унга ўхшаган шахс бўлганида, Ўрта Осиё минтақаси тараққиётига ижобий таъсир ўтказиши мумкинлигини, дунёдаги учта буюк аждархо билан бошидан тенглик асосида дипломатик алоқалар ўрната олган бўлишини ҳам яхши англари. У билимсиз ва лаёқатсиз бўлгани учун ҳам жиззакилик қилиб, ҳар сафар зўр келганда, кетини ҳар томонга олиб қочарди, шаллақилик қилиб ҳар гал илгариги айтганларидан қайтаверарди.

Аммо, АҚШ, Хитой ва Россия масаласида, орқасига чоптира олмасди. Унинг бироз думини тиклаб, кетини ўйнагани, шунчаки йўлига эди.

Бузокнинг қочгани сомонхонагача эканини биладиган буюк давлатлар, унинг кўрқоқ ва олчокликларини тушунганлари учун: от айланиб қозигини топади, деган нақлга амал қилардилар, холос.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

У чорак асрдан буён, думи юлинган товуқ сингари учта аждархонинг бири қувса иккинчиси тагига кочиб, жонини асраш билан овора эди. Баъзи-баъзида, уларга нисбатан қиладиган инжикликлари, шунчаки хўжа кўрсинга эди.

Дунёда буюк деб кўрилган учта мамлакатнинг раҳбарлари ўз амбиссиялари билан овора бўлсалар ҳам, жосуслик хизматлари Ўзбекистонни киприк қоқмасдан кузатишдан толиқмасди. Улар ички аҳволни – хурликка эришса, нималарга қодир бўлиши мумкин бўлган ўзбекнинг ҳолатини, Каримовдан кўра юз чандон яхшироқ билардилар. Шунинг учун ҳам ёмғирдан кейинги кўзиқорин каби бир Мулланинг кўққисдан пайдо бўлиб қолиши, Каримов учун жуда ҳам катта муаммо эди.

Устига-устак, Андижондаги оддий халқ туғул, ҳокимлар ва хавфсизлик ташкилоти раҳбарларининг акромчилар ишлаб чиқарган пойафзал ва бошқа маҳсулотларни талашиб сотиб олиб кийиши, уни қаттиқ ранжитгани етмагандек, кўрқитиб ҳам юборди.

Шунда, у қандай қилиб бўлмасин, андижонликларнинг пайини қирқиш ҳаракатига тушди. У мулла Акрам Йўлдошни тухмат билан қаматиб ҳам, у бошлаган ташаббусдан кутулолмагач, унга яқин бўлган кимсалардан йигирмадан ортигини қамокка ташлаттирди.

Бу билан ҳам аҳвол ўзгармади.

Қилаётган ишларининг Каримов учун бир бомба эканлигини – унга тараққиёт белкураги билан гўр қазийтганини билмаган одамлар, қамалган биродарлари айбини тушунмасдан таажжубга тушган бўлсалар ҳам, улар бошлаган ишларни иштиёқ билан давом эттираведилар.

Аксинча, қама-қамалардан «Каримов беҳабар» деб билиб, нажот истаганлари баробарида, амалга ошираётган ишларини мақтовга сазавор, деб ўйлаб, кекирдагига пичок тираб турган жаллоддан илтифот кутдилар.

Улар, олов билан ўйнашаётганларини ёхуд илоннинг инига кўлини тикаётганларини билганларида эди, ўша захоти юраклари ёрилиб ўлардилар.

Уларни отиб ташлашнинг ҳам ҳожати қолмасди...

Эргаш Сулаймон



Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил

«Қиримнинг аннексия қилиниши ва Украина шарқий қисмидаги вазиятни издан чиқарганлик учун Россияга қарши жорий қилинган ғарб санкциялари Москвага жиддий зарар берган ҳолда ўз вазифасини адо қилмоқда. Бироқ, орқага чекиниш ўрнига Кремль ушбу иқтисодий қуролни куч билан таъминловчи АҚШ ва Оврўпа Иттифоқи коалициясини бузишга жон жаҳди билан ҳаракат қилмоқда», — деб ёзади Foreign Policy шархловчиси Жамила Триндл.

«Россиянинг жавоб зарбаларидан бири — ўзининг оврўпаликларга қарши қўллаётган санкциялари туфайли кўрилган иқтисодий зарарни кўрсатишдан иборатдир», — дея қайд қилади журналист. Америкалик ҳамкасби билан учрашувдан биров вақт олдин Россия ташки ишлар вазири Сергей Лавров санкциялар учун Оврўпа Иттифоқининг АҚШдан кўра кўпроқ товон тўлаши ҳақида гапирганди.

«Унинг сўзларига кўра санкциялар Оврўпа Итифоқи учун жорий йилда 40 млрд. евро, кейинги йил эса 50 млрд. евро миқдорда иқтисодий зарар беради», — дейилади мақолада.

«Мен Лавровнинг ушбу рақамларни қаердан олганлигини билмайман», — дейди АҚШнинг Украинадаги собиқ элчиси Стивен Пайфер. Россия ҳукумати АҚШ ва Оврўпа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро алоқаларга путур етказишга ҳаракат қилмоқда, лекин мен уларнинг бу борада бирон муваффақиятга эришишига ишонмайман, ҳар ҳолда қисқа муддатли истикболда бунинг имкони йўқ».

«Лавровнинг иддаолари оврўпалик лидерларга таъсир қилмаса ҳам, алоҳида рус

компаниялари судларда баъзи муваффақиятларга эришишлари мумкин», — деб ёзади Триндл. «Роснефть» афтидан Эронга тақлид қилган ҳолда Оврўпа Иттифоқи санкциялари бўйича судга даъво қилиш мақсадида адвокатлик фирмаси ёллаган».

Сентябрь ойида «Газпромбанк» банк номидан санкцияларга қарши лоббичилик фаолиятини йўлга қўйиш учун иккита собиқ америкалик сенаторни ёллади. Сенатда баён қилинган маълумотга кўра, банк Трент Лотт ва Жон Броларни ёллаган. Улар ҳозирда Вашингтондаги йирик лоббичилик компанияларидан бири бўлган Squire Patton Boggs ишлашади.

Бу эса россиянинг газ экспорти билан шуғулланувчи «Новатэк» компаниясининг лоббичилик пиари билан шуғулланувчи Qorvis компаниясини ёллаганидан сўнг содир бўлди.

«Шунга қарамадан, ҳаттоки «Роснефть» Оврўпа Иттифоқи санкцияларининг бекор қилинишига эришган тақдирда ҳам ушбу ғалаба ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди», — деб ҳисоблайди журналист. Санкциялар ҳуқуқи бўйича Ferrari&Associates

юридик компанияси маслаҳатчи-консультанти Сэм Катлернинг таъкидлашича, бу каби ҳаракатлар эрон фирмаларига сезиларли муваффақият олиб келмаган. Кўпгина ҳолатларда Оврўпа Иттифоқи ўзининг ҳуқуқий асосларини суд қарорига мослаштириб олди, шундан сўнг эса эрон компанияси ёки банкни яна қайтадан санкциялар рўйхатига киритиб қўйди», деб изоҳ беради мақола муаллифи.

ЎХХ ахборот бўлими

Ғарб санкциялари Россия рубли қийматини АҚШ долларига нисбатан 20% қадрсизланишига олиб келганлиги ортидан Марказий Осиё давлатларида озиқ-овқат махсулотлари ва ёқилғи нархлари ўсишда давом этмоқда. Бу ҳақда Eurasianet нашри эълон қилган таҳлилий мақолада сўз боради.

«Жорий йил сентябрь ойдан бошлаб рубль курсининг кескинлик билан пасайиб кетиши Россия

олдингидан камроқ доллар сотиб оладиган бўлишди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 2009 йилдан бери илк маротаба пул ўтказмаларида бундай қисқариш кузатилди. Оврўпа тикланиш ва тараққиёт банкининг маълумотларига кўра бунинг асосий сабаби Россия иқтисодиётининг пасайиб бориши билан боғлиқ бўлиб бундан сўнг вазият янада ёмонлашиши мумкин.

Марказий Осиё давлатлари иқтисоди рубль курсининг пасайишидан зарар кўрмоқда

импорти ва пул ўтказмаларига боғлиқ бўлган Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётига салбий таъсир килди. Рубль ортидан маҳаллий валюта қиймати ҳам пасая бошлади. Бу эса кенг истеъмол учун мўлжалланган импорт махсулотлар нархининг ошишига олиб келди.

Йил бошидан бери рублнинг долларга нисбатан курси 20%га пасайди. Бунда эса ғарбнинг Москвага қарши санкциялари ҳам муҳим роль ўйнади. Сентябрь ойида рубль қийматининг пасайиб боришини бевосита нефть нархининг тушиб кетганлиги билан изохлаш мумкин. Бу эса ўз навбатида Марказий Осиё давлатлари миллий валбталари қиймагига ҳам таъсир кўрсатди.

Хусусан, Бишкекда озиқ-овқат махсулотлари нархи сўнги 12 ой ичида 20-25%га ошди, — дейди Қирғизистон Республикаси иқтисодиёт ва антимонополия сиёсати вазирлиги Шимолий минтақалараро бошқармаси бошлиғи Зайниддин Жумалиев. Унинг фикрича бу ҳолат Россиядан импорт қилинадиган ёқилғи-мойлаш махсулотлари нархининг ошганлиги билан боғлиқ.

Бундан ташқари Россияда ҳудудида миллионлаб меҳнат муҳожирларига эга бўлган Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистонда Россиядан пул ўтказмалари ҳажмининг пасайиши кузатилди. Сўнги йилларда ҳорижий пул ўтказмалари Қирғизистон ЯИМ нинг 30%ни, Тожикистон ЯИМ нинг эса 50%ни ташкил қилган. Рубль курсининг пасайиб кетиши оқибатида Россиядаги меҳнат муҳожирлари эндиликда ўз мамлакатларига юбориш учун қўлларига рублга

«Рублнинг зайифлиги ҳорижий ишчиларнинг даромадлари пасайишига олиб келмоқда, бу эса ўз навбатида уларнинг мамлакатлари иқтисодиётига акс этмоқда», — дейди «Ренессанс капитал» инвестбанкнинг Россия ва МДХ бўйича иқтисодчиси Олег Кузьмин.

Октябрь ойида Халқаро Валюта Жамғармаси (ХВЖ) 2014 йилда Қирғизистондаги истеъмол нархларининг 8%га, 2015 йилда эса 8,9%га ошиши мумкинлигини маълум қилганди. Бу кўрсаткич 2013 йилда 6,6%ни ташкил қилган. Шундай динамика Қозоғистон ва Тожикистонда ҳам кузатилади. Ўзбекистонда эса ХВЖ ҳисоб-китобларига кўра, инфляция «икки хонали сон» даражасида қолади.

Иқтисодий беқарорлик тўлқини таъсир қилмайдиган ягона давлат — бу Туркменистон саналади. Чунки Туркменистон ўзининг асосий экспорт махсулоти бўлган табиий газни аниқ белгиланган нархда Хитойга сотмоқда.

Бундан ташқари, ЯИМ ўсиши бўйича прогнозлар ҳам бутун минтақа давлатлари учун анча пасайган. Шунга қарамадан бу борадаги кўрсаткичлар 2008-2009 йилги жаҳон молиявий инқирози пайтидагига нисбатан анча яхшироқ.

Таъкидлаш жоизки бу ҳам Украинадаги вазиятга боғлиқ. ОТБнинг қайд қилишича Украинада вазиятнинг ёмонлашиши Марказий Осиё минтақасида ҳам узоқ муддатли салбий оқибатларни юзга келтириши, ҳатто минтақа озиқ-овқат хавфсизлигига ҳам таъсир қилиши мумкин», — дейилади мақолада.

ЎХХ ахборот бўлими

Мени кутаётир халоскор ўлим

*Сизни изтиробдан қутқаргим келар,
Олиб кетгим келар сизни узоққа.
Балки хотиралар бир кун чекинар,
Қалбларни тарк этиб биздан йироққа.
Бугун эса улар бизни қийнайди,
Ўтган ёруғ тунлар бугун – ғам-алам.
Сизни ўзгаларга кўзим қиймайди,
Начора, фалакка етмади нолам.
Бугун йўлларимда висолингиз йўқ,
Ўтган кунлар эса дилни ўртайди.
Мен сизни ўйлайман жуда узоқ, кўп,
Бу ўйлар тубига етиб бўлсайди.
Ёдингизда бўлса, сизга ҳоҳида
Ҳаётдан мен эрта кетаман дердим.
Овутар эдингиз шунда беҳуда,
Ниҳоясиз эди қалбимда дардим
Бугун ўша дардлар Сиз билан тўлди.
Сизни ҳам кўп кўрди бу телба олам.
Бугун менинг сўнгги умидим ўлди,
Энди бир кун менга тутарлар мотам.
Лекин сиз чекманг ҳеч беҳуда ташивиш,
Умрим якунининг сабаби сизмас.
Юртдошлар ўлимим қилсалар тафтиши,
Изоҳлари эрксиз ватанга сизмас.
Олиб кетгим келар Сизни узоққа,
Хўрликларга ватан бўлди бу макон.
Агар кетолмасак ундан йироққа
Бизни таҳқирлашга топарлар имкон.
Ваҳиий ё мулойим ҳайвон сингари,
Бири зўрлик қилар, бири – итлоат.
Бу юртда ҳеч бир иш юрмас илгари
Бу юртга қаердан келсин Саодат.
Мени кутаётир халоскор ўлим,
Кетаману, аммо виждоним оғрир:
Сизга бахт узишга етмади қўлим,
Бирга кетмоқ эса мумкинмас, оғир.
Сизни изтиробдан қутқаргим келар,
Олиб кетгим келар сизни узоққа.*

2001 й.

АЛИШЕР СОИПОВ

(Давоми: Боши олдинги сонда)



П а й ғ а м б а р и м и з алайҳиссаломнинг эмизилиши

Пайғамбаримиз алайҳиссаломни аввал онаси Ҳазрати Амина 3 кун ёки 7 кун эмизди. Кейин уни Сувайба хотин эмизди. (Ибн Саъд, 1/108). Бу аёл Ҳазрати Ҳамза ва Абу Салама бин Абдуласадларни ҳам эмизди. Шу боис, Ҳазрати Ҳамза ва Абу Салама Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг сут биродарлари ҳисобланади. (Ибн Саъд, 1/99).

Сувайба хотин Абу Лаҳабнинг жорияси эди. Ҳазрати Ҳадича уни озод этиш учун Абу Лаҳабдан сотиб олмоқчи бўлди, аммо Абу Лаҳаб уни сотмади. Пайғамбаримизни Сувайба хотиндан сўнгра Бани Саъд бин Бакр қабиласидан бўлган Ҳалима хотин эмиза бошлади.

Ҳалима хотин ўнта хотин билан Маккага бориб, эмизиладиган чақалоқ ахтардилар. Ҳалимадан бошқа ҳаммаси ўзига чақалоқ топди.

Ўша пайтда Ҳалима хотинни Пайғамбаримизга сут онаси излаб юрган Абдумутталиб кўриб қолди ва «сен кимсан?» деб сўради.

- Мен Бани Саъдлардан бир хотинман, — деди Ҳалима.

- Исминг нима?

- Ҳалима.

Буни эшитиб, Абдумутталлиб:

- На гўзал! Саъд ва Ҳилм (Ҳалима) икки гўзал хислатдирки, дунёнинг хайри ҳам, абадиятнинг иззат ва шарафи ҳам булардадир, — деди Абдумутталиб.

Ҳалима хотиннинг айтишича, Абдумутталиб унга:

«Эй Ҳалима, менинг ёнимда етим чақалоқ бор, уни Бани Саъд хотинлари «биз ота-онаси бор бўлган чақалоқ оламиз, чунки улардан эҳсон келади», деб қабул қилмадилар. Сен уни эмизишга оласанми?, — деди.

Мен ҳам «менга бир оз муҳлат бер, эрим билан маслаҳатлашайин» — дедим ва эримга бу ҳақда хабар бердим. Ундан «Маккада шу етим боладан бошқа эмизадиган чақалоқ қолмади, уни олсам бўладими?» деб сўрадим. Эрим «истасанг ол, балки Аллоҳ бу чақалоқ воситаси билан бизга баракат ва мўл-кўллик эҳсон этар»- деди. (Ибн Исҳоқ Ибн Ҳишом, 1/172). Абдумутталибнинг ёнига қайтиб бориб, унга «чақалоқни оламан», дедим.

Абдумутталибнинг юзида севинч кўринди.

Мени дарров Аминанинг уйига олиб борди. Амина мени «хуш келдинг, сафо келдинг», дея қаршилади. Ва мени Муҳаммад

туямизнинг ёнига борганида, унинг эмчақларига ҳам сут тўлган эди. Ҳар иккимиз унинг сунтини соғиб ичдик.

Ўша кечаси хайирли бир кеча бўлди. Тонг отганида эрим Хорис «Валлоҳи эй Ҳалима, сен бир муборак чақалоқ олдинг!», деди.

П а й ғ а м б а р и м и з алайҳиссаломнинг улғайиши

Пайғамбаримиз алайҳиссалом икки ойлик экан, ҳар тарафга юмалай оларди. Уч ойлик бўлганида оёққа тура оларди. Тўрт ойлик экан, деворни тутиб, юрар эди. Беш ойда эркин юра бошлади. Олти ойда тез юра оларди. Етти ойлик бўлганида гапира бошлади ва унга айтилган гапни идрок этди. Ўн ойлик

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (19).

алайҳиссаломнинг хонасига олиб кирди.

Мен чақалоқни сутдай оппоқ юнг газмолга ўралган, тагида яшил рангли ипак тўшалган ҳолда кўрдим. Чалқанча ётиб, пиш-пиш ухлар эди. Ундан хушбўй миск хиди келарди. Унинг севимли юзига тўйиб бўлмасди. Уйқусидан уйғотишга кўзим қиймади. Кўлларимни унинг кўксига қўйганим он у сокин кулимсиради ва кўзларини очди. Дарҳол манглайдан ўпдим ва кучоғимга олдим»...

Ҳазрати Амина Ҳалима хотинга шундай деди:

- Менга уч кеча давомида «ўғлингни Бани Саъд бин Бакрлардан Абу Зуайб оиласи ичида эмизасан», деган амр келди. Мана, шу кучоғингдаги чақалоқнинг сут отаси Абу Зуайбдир. Абу Зуайб менинг отамдир.

Ҳазрати Амина хомилалик пайтида ва Пайғамбаримиз алайҳиссаломни туғиш асносида зухур этган воқеаларни Ҳалима хотинга айтиб берди ва унга «ўғлимга яхши қара», дея тайинлади.

Ҳалима хотиннинг кўнгли ёришди, эшитганларидан севинди. (Ибн Саъд, 1/111). Ҳалима хотин оиласининг

Пайғамбаримиз туфайли баракатга эришганини шундай эслайди: «Мен уни бошқа бир чақалоқни тополмаганим учун олгандим. Аммо йўлга чиқиб, уловимнинг ёнига келганимда, бу чақалоқ учун кўкрақларимга кўп сут келди. У билан бирга ўз болам (Пайғамбаримизнинг сут биродари) ҳам тўйгунча эмди ва ҳар иккаласи тўйгунча ухладилар. Ҳолбуки, бундан аввал бизнинг боламыз йиғлаб, бизни ухлатмасди.

Яна эрим қари ва сутсиз

бўлганида болалар билан ўқ отишиб ўйнай бошлади. (Зурконий, 1/148)

Пайғамбаримизнинг сутдан кесилиши

Ҳалима хотин «икки йил ўтганида уни сутдан кесдим» деб хотирлайди. (Ибн Исҳоқ Ибн Ҳишом, 1/173).

Ҳалима хотин, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг баракати туфайли ундан ҳеч айрилишни истамаганлигини айтади.

П а й ғ а м б а р и м и з алайҳиссаломнинг кўкси малаклар тарафидан ёрилиши

Пайғамбаримизнинг сут онаси Ҳалима хотин онт ичиб шундай дейди: «Муҳаммад (алайҳиссалом) нинг сут биродари (Абдуллоҳ) билан чодиримиз орқасида яйловда ўйнар эканлар, Абдуллоҳ чошиб келиб, менга ва отасига оқ кийган икки киши у Қуръайшли биродаримнинг қорнини ёриб, ичак-чавоғини қовлашяпти!», деди ваҳима ичида.

Мен отаси билан дарров у ерга бордик. Уни (Пайғамбаримиз алайҳиссаломни) юзи сарғайган ҳолда кўрдик. Мен дарҳол уни бағримга босдим. «Нима бўлди, болагинам?», деб сўрадим.

- Оқ либос кийган икки киши келиб, қорнимни ёрди ва ичимда нимадир ахтардилар, — деди у (Пайғамбаримиз алайҳиссалом).

- Ҳаммамиз чодирга қайтиб келдик. Эрим Хорис «Эй Ҳалима, бу боланинг бошига бир фалоқат келишидан қўрқаяпман. Уни дарҳол оиласига топшир», деди. (Тобарий, «Тарих», 2/127).

Бу ҳодиса баъзи манбаларга кўра Пайғамбаримиз алайҳиссалом тўрт ва ёки беш ёшлигида юз берган.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

(Ибн Саъд, 1/112).

Бу хусусда Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай деганлар: «Мен Саъд бин Бакр оиласида эмизилиб, улғайдим. Бир куни сут биродарим билан кўзичоқларни ўтлатиб юрганимизда оқ либосли икки одам қор тўлдирилган олтин лаган билан ёнимга келишди. Мени тутиб, қорнимни ёрдилар. Юрагимни чиқариб, уни ҳам ёришди. Юрагимнинг ичидан бир қон парчасини олиб, ташқарига отдилар. Кейин юрагимни, қорнимни ўша қорда ювиб, тозаладилар. Кейин улардан бири иккинчисига: «Уни унинг умматидан ўн киши билан тарозида торт!», деди.

Тарозида тортдилар. Мен ўн кишидан оғир келдим. Кейин «уни умматидан 100 киши билан торт!» деди. Мен улардан ҳам оғир келдим.

«Уни умматидан минг киши билан торт!», деди. Тортди.

Мен минг кишидан ҳам оғир келдим.

Шунда у одам йўлдошига «етар, уни бутун уммати билан тортсанг, у умматидан оғир келади», деди. (Ибн Саъд, 1/175).

П а й ғ а м б а р и м и з алайҳиссаломнинг оиласига қайтарилиши

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (19).

У беш ёшда экан, Ҳалима хотин уни бобоси Абдулмутталибга топширди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Ҳалима хотинни ҳар кўрганида «менинг онам, онажоним,» дерди, унга севги ва эҳтиром кўрсатарди. Ҳалима хотин бир куни Пайғамбаримизни кўргани Маккага борганди. У пайт Пайғамбаримиз Ҳазрати Ҳадичага уйланганди. Ҳалима хотинни кутиб олиб, меҳмон қилишди. Ҳазрати Ҳадича унга қирк кўй ва бир туя ҳадя этди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом Маккани фатҳ этганида, Ҳалима хотиннинг синглисини кўриб, сут онасининг ахволини сўради. Унинг ўлганини эшитиб, кўзлари ёшга тўлди. Кейин Ҳалима хотиннинг яқинларига турли ҳадялар берди.

П а й ғ а м б а р и м и з алайҳиссаломнинг онаси билан Мадинага бориши

П а й ғ а м б а р и м и з алайҳиссаломнинг онаси Ҳазрати Амина завжи Абдуллохнинг қабрини эшрат этиш учун борганида ёнида Пайғамбаримиз алайҳиссаломни ҳам олиб борди.

Улар Мадинада Пайғамбаримизнинг тоғалари Наҷжар ўғиллари уйида бир ой қолишди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бу ерда кечган кунлари ҳақида шундай хотирлайди: «Бир куни яҳудийлардан биттаси келиб, менга узоқ тикилиб турди, кейин қайтиб кетди. Кейин яна бир куни — мен ёлғизлигимда — келиб:

- Эй, бола, исминг нима? — деб сўради.

- Аҳмад, — дедим мен. У менинг елкамни кўриб:

- Бу шу умматнинг пайғамбаридир, — деди.

Тоғаларим бу ҳақда онамга айтишди, онам мен учун ташвишлана бошлади. Ва биз Маккага қайтиш учун Мадинани тарк этдик». (Абу Нуайм, «Далоил», 1/163).

Ҳазрати Аминанинг вафоти

Ҳазрати Амина Мадинадан қайтиб келаётганида хасталаниб, Абва қишлоғида тўхташга мажбур бўлишди.

Кўп ўтмай Ҳазрати Амина вафот этди. Ўша қишлоқда дафн этилди. Абва қишлоғи Макка ва Мадина орасида бир қишлоқ бўлиб, Мадинадан 23 мил узоқликдадир. Ҳазрати Амина вафотидан сўнгра Пайғамбаримиз алайҳиссаломни унинг энагаси Умму Аймон (Барака) бағрига босди ва туяга миниб, йўлга чиқди, беш кун йўл юриб,

Пайғамбаримизни Маккада бобоси Абдулмутталибга топширди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом саккиз ёшга қадар бобоси Абдулмутталибнинг ёнида қолди.

Абдулмутталиб бобонинг вафоти

«Абдулмутталибнинг ўлимини эслайсизми?», деган саволга Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Ҳа, у пайтда мен саккиз ёшда эдим. Абдулмутталиб бобонинг орқасидан йиғлаганим каби ҳеч кимга йиғламадим», деди.

Қуръайшликлар Абдулмутталибга «иккинчи Иброҳим» дейишарди. У охирада жазо ва мукофотга ишонарди. Байтуллоҳни кўп тавоф этарди. Ҳаж мавсумида ҳожиларга молларининг энг яхшисини берарди. Меҳмонсевар зот эди.

Абу Толибнинг тарбиясида

Абдулмутталиб бобо вафоти олдиан ўғилларига Пайғамбаримиз алайҳиссаломга яхши қарашни васият этди. Зубайр билан Абу Толиб Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг отаси Ҳазрат Абдуллох билан

бир онадан, яъни Фотима бинти Амр бин Аиз, бин Имрон, бин Маҳзумдан туғилган ака-укалар эди. Бу икки амаки Пайғамбаримиз алайҳиссаломни тарбиясига олиш учун қуръа ташладилар. Қуръа Абу Толибга чиқди. Абу Толиб амакилар ичида энг шафқатлиси, меҳрибони эди. Абу Толибнинг оиласи қатта ва уни боқиш учун қийинчилик чиқар эди. Аммо Қуръайшликларнинг саййиди, улуғи ҳисобланарди. Унинг ҳар ерда сўзи ўтар ва унга қарши келишдан қўрқишар эди. У ҳам отаси Абдулмутталиб каби оғзига ичкилик олмас эди.

У Пайғамбаримиз алайҳиссаломни ёнидан айирмас, кўз қорачиғидек асарарди. Абу Толиб амакининг завжаси Фотима хотин фазилятли, хуштабиатли хоним эди. Фотима хотин вафот этганида Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг кўзларидан шашқатор ёшлар оқиб, «бугун онам вафот этди», дея эътироф этганди.

«Ўз болалари оч экан, у аввало менинг қорнимни тўйдиришга ҳаракат қиларди. У менинг онам эди. Жаброил алайҳиссалом Аллоҳу Таоло тарафидан «бу хотин жаннатликлардандир», дея менга хабар берди,» деди Пайғамбаримиз алайҳиссалом.

П а й ғ а м б а р и м и з алайҳиссаломнинг юрагига раъфат ва раҳмат тўлдирилиши

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўн ёшидан ўтган пайтларда қирда, боши устида бир овоз эшитди. Бошини кўтариб қараганида, бир одамнинг иккинчисига: «Бу ўшамми?» деб сўраганини кўрди. «Ҳа, ўша,» деди иккинчи одам. Юзи ҳам, кийиниши ҳам бошқаларга ўхшамаган бу одамлар Пайғамбаримиз алайҳиссаломни ушлаб, кўлидан тутдилар. Аммо Пайғамбаримиз алайҳиссалом уларнинг қўлларини ҳеч ҳис этмади. Улардан бири иккинчисига «уни ётқиз!» деди. Ётқиздилар. Сўнгра бири иккинчисига «кўксини ёр!» деди. Ва пайғамбаримизнинг кўксини ёрдилар, аммо на қон чиқди, на да оғрик ҳис этди.

«Қин ва ҳасадни чиқариб ташла!» деб буюрди яна ўша одам. Қуюқлашган бир лахта қонни чиқариб, четга улоқтирдилар. Сўнгра «Энди раъфат ва раҳмат билан тўлдири», деди. Бу воқеадан кейин Пайғамбаримиз алайҳиссалом кичикларга шафқатли, қатталарга эса ниҳоятда марҳаматли бўлди. (Аҳмад бин Хонбал, 5/139).

(Давоми келгуси сонда)



билдиришича, 2012 йилда хорижда ишлаб келган фуқаролар орасида ОИТСга чалинган 272 нафар бемор аниқланган. 2013 йилда эса бу кўрсаткич 418 нафарни ташкил қилган. Бу эса ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари орасида ОИТС (СПИД) кўрсаткичининг бир йилда 54%га ортганини билдиради.

«2014 йилда ОИВ инфекциясини юқтирганларнинг 53,6 фоизи эркаклар, 46,4 фоизи аёллар бўлган.

Ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари орасида ОИТС кўрсаткичи бир йилда 54%га ортган

Хорижда ишлаб келаётган ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари орасида ОИТС (СПИД) кўрсаткичи ошмоқда. Бу ҳақда Хуррият газетасига таяниб 12news.uz хабар берди.

Республика ОИТСга қарши кураш маркази раҳбари Отабек Нурматов «Хуррият» газетасига

2013 йилда республика бўйича рўйхатга олинган беморларнинг 58,4 фоизи жинсий алоқа орқали, 27,8 фоизи парентерал (тери ва шиллик қаватлар) йўл билан, 13,8 фоизи вертикал йўл билан касалликни юқтирган», — дейди Нурматов.

ЎХХ ахборот бўлими



Маккадан қайтган туркман ҳожилари тиббий кўрикка жўнатилди

17 октябрь куни Маккадан қайтаётган туркман ҳожилари учоғи Ашхободга кўнишидан бир соат олдин аэропорт ҳарбийлар ва полициячилар томонидан ўраб олинди, деб хабар берди Хроника Туркменистана.

Ҳожиларни кутиб олиш учун келган қариндошлари ва қўлларига гуллар билан махсус олиб келинган талабалар аэропорт биносига киритилмаган. Улар учокнинг соат 18.00 да келиб кўнгани ҳақидаги хабарни радиода берилган эълон орқали билишган.

Жами 188 та бўлган ҳожиларни учокдан тушишлари билан

автобусларга кўчириб ўтказишган ва полиция машиналари кузатувида Абадан шаҳар поликлиникасига олиб борилган. Поликлиникада барча ҳожилар тиббий кўриқдан ўтказилган. Кутиб олувчиларга бу ҳақда ҳеч қандай маълумот берилмаган. Фақат орадан икки соат ват ўтганидан сўнг улар нима бўлаётганидан хабар топишган ва уйларига тарқалишган.

Ушбу профилактика чоралари Эбола вируси эпидемиясига қарши қаратилганлиги ёки бошқа сабаблар борлиги ҳақида ҳозирча маълумот йўқ.

ЎХХ ахборот бўлими

Россиянинг хотираси ва виждонини йўқотиш бўйича Кремль режаси — The Daily Beast

Россия ҳукумати мамлакатда фуқаролик жамиятини тарғиб қилувчи муҳим тармоқларни йўқотиш билан таҳдид қилмоқда, деб ёзади The Daily Beast. Жума куни Адлия вазирлиги «Мемориал»ни тугатиш бўйича судга даъво аризаси топширди, дея изоҳ беради Анна Немцова.

Агар даъво қаноатлантириладиган бўлса, Россияда демократиянинг сўнги ўмиди ҳам сўнади, деб ҳисоблайди муаллиф. «Мемориал» қайта қуриш йилларидан кейин Россиянинг ўз тарихидаги репрессия эпизодларини эсла олувчи ва россияликларни инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва инсонпарварлик қадриятларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашни ифодалайди. У мамлакат бўйлаб россияда фуқаролик жамиятини тамсил қилувчи ўнлаш ташкилотларни бирлаштиради, дейилади мақолада.

Мақола муаллифининг фикрича, «Мемориал» Кремлнинг энг тасирчан асаб нуқталарига зарба бермоқда.

«Иккинчи чечен уруши даврида у уруш худудида йўқолиб кетган рус аскарларини излашга ҳукуматнинг ўзини ортиқча урунтирмаганини исботлаб берди. Яқинда худди шундай ҳолатни Украинада ҳам қайд этди», — дейилади мақолада.

«Биз инсонларга Россиянинг ўтмиши ва бугунги куни узаро алоқадор эканлигини тушунишларига ёрдам берамиз. Шу сабабли ҳам сўнги йилларда «Мемориал»ги нисбатан ҳужумлар тўхтамаяпти», — дейди Ҳуқуқни ҳимоя қилиш маркази раиси Александр Черкасов.

НТВ телеканали «Мемориал» офиси биносига ниқобли одамларнинг бостириб кирганлиги, тўртта ходимни ҳибсга олганликлари ва «экстремизм» билан боғлиқ маълумотларни излашгани ҳақида хабар берганди. «НТВ сюжети ошқора ёлғондан бошқа нарса эмас, — дейди Черкасов. — Адлия вазирлиги экстремизм ҳақида гапирмаяпти, у бизни минтақавий ташкилотларимизда «Мемориал» сўзининг йўқлиги туфайли расмий ҳуқуқбузарликда айбламолда».

«Ҳукумат вертикал тарзда фикрламоқда, бироқя. «Мемориал» умумий қадриятларни бирлаштирган жамоат ташкилоти сифатида қуйидан пайдо бўлган», дея қўшимча қилади Черкасов. Унинг қайд этишича, совет раҳбарлари ҳам бир пайтлар фуқаролик жамиятини йўқ қилишга бел боғлашганди, ва «бу эса драматик тарзда СССРнинг парчаланишига олиб келди».

ЎХХ ахборот бўлими



Ўзбекистонлик аёл Жанубий Кореядаги саунада камситилган

Жанубий Корея матбуотида анча шов-шувга сабаб бўлган ушбу воқеа аслида бундан уч йил олдин сентябрь ойида содир бўлган.

Асли Ўзбекистонлик бўлган Клавдия Қурбонова 2002 йили Жанубий Кореяга келган ва икки йилдан сўнг корейс йигитига турмушга чиққан. 2009 йилга келиб Жанубий Корея фуқаролигини олган ва исмини Гу Су-жин — корейс исмига ўзгартирган.

Ҳозирда 33 ёшли К. Қурбонова 2011 йилнинг 25 сентябрь куни терисининг ранги туфайли Бусан шаҳридаги сауналардан бирига киритилмайди. Ушбу воқеанинг матбуот эътиборига тушишига К. Қурбонованинг ўз ҳақ-хуқуқини талаб қилиб Инсон ҳуқуқлари Миллий Комиссиясига

мурожаат қилиши ва ҳорижликларга нисбатан ирқий камситишларга қарши оммавий кампания бошлаганлиги сабаб бўлди, деб ёзади Asian Correspondent.

Аёл ўзининг ушбу ҳаракатини ҳозирда бир ўғил фарзандининг борлиги ва келажакда унинг ҳам ўзи каби ирқий камситилишларга дуч

айтган. Шунга қарамасдан корейс полицияси мазкур вазият бўйича ҳеч қандай ёрдам бера олмаслигини, чунки ҳорижликларнинг саунага киришларига таъқиқ қўйилишига қарши қонун йўқлигини билдирган.

Қурбонованинг сўзларига кўра у сауна ходимларига ўзининг Жанубий Корея паспортини кўрсатганида улар «ташки кўриниш корейсга ўхшамас экан паспортнинг борлиги сизнинг корейлик эканлигингизни билдирмайди», — деб жавоб беришган.

Мазкур вазият бўйича Инсон ҳуқуқлари Миллий Комиссиясига мурожаат қилган К. Қурбонованинг таъкидлашича, «жуда кўплаб ўзбекистонликлар бу каби ирқий камситилишларга дучор бўлишади, лекин ҳеч қандай чора кўришмайди ва жим қолишади. Бунга сабаб уларнинг корейс тилини яхши билмасликлари ва қаерга мурожаат қилиш кераклиги ҳақида етарли маълумотга эга эмасликлариди».

«Ишчиларнинг ижтимоий келиб чиқиши ва гендер бўйича камситилишларга қарши қонунлар бор. Бироқ ирқий камситишга қарши биронта тартибга солувчи норматив ҳужжат йўқ. Бу эса нафақат ҳорижликларнинг корейликлар тарафидан камситилиши, балки корейликларнинг бошқа корейликлар тарафидан камситилишига сабаб бўлмоқда», — дейди Чангвонда жойлашган Гиённам Муҳожирлар Жамияти хизмат Маркази директори Гиёнсангам-Ду.

УХХ ахборот бўлими

(Давлат қарз облигацияларининг тақдири ва иқтисодийёт ҳақида)

Қарзни вақтида тўлаш — иноятдир,

Омонатга хиёнат — жиноятдир !

Аҳоли ва умумдавлат манфаатларига нисбатан “фирром”лик ва хиёнатдан иборат асосиз қоғоз пулларни босиб чиқариш ва уларни муомалага киритиш сиёсати Ўзбекистонда 20 йилдан бери давом этмоқда.

Аҳолимиз давлат қарз облигацияларини сотиб олгандан сўнг, ҳукумат аҳоли ва умумдавлат манфаатларига зид ҳолда юқоридаги ҳаракатларини содир эта бошлади. Халқ ҳукуматга ишонч билдириб, сотиб олган қарз облигацияларининг тақдири ўзбек сўмининг тақдири каби шароит тақозоси билан ҳукумат раҳбарларининг диққат

Омонатга хиёнат — 2

эътиборидан умуман четда қолиб кетди

1994 йилдан бошлаб ижроия ҳокимияти аста секинлик билан қонунчилик ҳокимиятини ўзига бўйсиндириб олди.

Қонунчилик ҳокимияти учун сиёсий кураш олиб борадиган сиёсий партиялар яқсон қилинди. Ҳукумат эса ҳеч бир қаршиликсиз истаган ва билган ишини қила олиш салоҳиятига эга бўлди. Тез орада аҳолини, банкларни ва халқ хўжалиги корхона ва ташкилотларини товар пул муносабатларидаги манфаатлари, ҳукумат томонидан ўз истаганича ва билганича хал этила бошланди. Бу ишларнинг яқин ва узоқ келажакдаги

оқибатлари ҳукумат раҳбарларини мутлақо ўйлантирмади. Ҳукумат ўз руҳсати билан мамлакатда фаолият олиб бораётган, қуйидаги 4 та партияларни ўзига иттифоқчи сифатида қабул қилди:

1. Ўзбекистон Халқ демократик партияси.

2. Ўзбекистон либерал-демократик партияси

3. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси.

4. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” миллий-демократик партияси.

Юқоридаги партияларнинг раҳбарлари ва аъзолари ҳукумат узоқ йиллардан бери олиб бораётган “фирром”лик ва хиёнатдан иборат пул эмиссияси сиёсатини билган ва билмаган ҳолда иштирокчилари, тарғиботчилари, манфаатдорлари,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қўллаб қувватловчилари ва шулардан келиб чиқиб, табиий жавобгарларига айланиб қолдилар.

Сиёсий партия мақомига даъвогарлик қилаётган Республикадаги 4 та расмий партия ўзларининг энг яқин иттифоқчилари бўлган ўзбек ҳукуматининг давлат қарз облигацияларини эгаларига муносиб қайтариш борасида ўзига хос “қовун тушириш”га ёки очиқ “ношуд” лигига баҳо беришларини кутиш, тошдан садо чиқишини кутиш билан баробарлигини, чув тушган аҳоли билиб турибди.

Зийрак, сабр матонатли ўзбеклар И.Каримов режимига юқорида зикр этилган партиялар нима учун кераклигини ва нима сабабдан пул билан таъминланаётганлигини жуда яхши биладилар.

Ҳукуматга ўзи олиб бораётган юқоридаги амалиётларини ва барча қилаётган ишларини, ҳукумат аъзоларидан ташқари Республикадаги барча сиёсий партиялар ва уларнинг электоратлари “қўллаб қувватламоқда” деб мамлакат ва жаҳон жамоатчилигига жар солиш ва уларни ишонтириш учун керак бу 4та партия.

Сайловларда ва сайловлардан кейин бу партиялар иштирокида келишилган матч ёки “натижаси

олдиндан келишиб ҳал қилинган ўйинларни” Ўзбекистон ва жаҳон жамоатчилигига кўрсатиш учун ҳукуматга юқоридаги партиялар асқотади.

Фикримизнинг далили сифатида куйидаги муаммоларни партиялар ҳукумат олдида кескин қўймаётганини кўсатамиз:

1. Ўзбек миллатини камситувчи ва таҳқирловчи даражада энг кам иш ҳаққини 106.000 сўм қилиб белгиланиши ва шу кўрсаткичдан аҳолини социал химоялашда фойдаланилаётганлиги.

2. Чакана нархларнинг муттасил ўсиб боришини тўхтатиш, ўзбек сўмини кадрлаш масаласи.

3. Партиялар ўз электоратлари ва аҳолимиз манфаатларига доир ўта долзарб масалаларни ўнлаб, юзлаб муаммоларни ҳукуматга ёкиш учун, Президентни жаҳлини чиқармаслик учун четлаб ўтаётганлиги ва хоказолар.

Сиёсий партиялар, сиёсий кураш нима учун Ўзбекистон халқига ва давлатига керак деган савол туғилади.

1. Абдураззоқ, Шухрат, Раҳматжонларга ва барча аҳолига пулларини, қўйларини ҳақларини ҳар қандай қаллоблардан, айниқса ҳукумат либосини кийиб олган эгри қўлли қаллоблардан химоялаш учун керак.

2. Сиёсий партияларга ўз давлати



аҳолиси ва давлати манфаатларини химоя қилиш, аҳолининг орзу истакларини ҳаётга жорий қилиш, сохта, халқ манфаатлари ва ҳақларига хиёнат қилган партияларни сайловда мағлуб этиб, улар тузган ҳукумат ўрнини эгаллаш учун керак.

3. Ўзбекистон ҳукуматига эса, ўзи бошқараётган давлат ва халқни манфаатларига ва ҳаққига хиёнат қилса, жазо муқаррарлигини эслатиш учун, шунингдек давлат қарз облигацияларини мисоли каби аҳоли пулларини, қўйларини, маблағларини йўқотиб қўйиб, “ношудлик” қилса, ўрнига улардан яхшироқ одамлар борлигини билдириш учун керак.

(давоми бор)

Мустақил уқтисодчи:

Ж.Шосалимов

Ҳуқуқ химоячиси: **Ш.Рустамов**

16.10.2014 йил

Ҳамкасбларимдан яширинча йиғладим

Бугун журналистлик касбини танлаганимга пушаймон бўлдим. 20 йиллик фаолиятим давомида журналист бўлганимга уч бор йиғлаганман. Ҳар гал турлича.

Бундан 15 йилча олдин Қарағанда

шаҳрида бир наркоман аёл ва унинг суюкли қизи билан бўлган суҳбат мени йиғлатган эди. Тирик инсон этининг чирий бошлаганини кўрганмисиз? Мен кўрганман. Мўътодликка енгилган аёл ҳаётдан

умидини узганди. 10 ёшлардаги кизалоқ эса “онамга ёрдам беринг”, дегандек менга мўлтираб боқарди. Ушанда меҳмонхонага қайтиб йиғлаган эдим. Овозим эшитмасинлар, дея ёстиққа юзимни босиб, бўкириб йиғлаган эдим... Иккинчи марта 2005 йил май ойида йиғладим.

Андижондаги қирғиндан қочиб, Тешиқдошда панох

топган болакай билан бўлган телефон суҳбати мени йиғлатган эди. Болакай: “Энди Андижонга қайтмайман. Қайтсам, отишади,” – деб йиғлаганди ўшанда.

Мен ҳам йиғлаган эдим. Ҳамкасбларимдан яширинча йиғлаган эдим... Бугун ҳам йиғладим.

Ҳамкасбим, дўстим Алишер Соиповнинг онаси билан бўлган суҳбат мени эзиб ташлади.

Етти йил аввал ўғлини йўқотган она ҳар гал нон ёпса, ўғлини ёдга оларкан...

Шодравон ўғли ҳақида сўз очиб бир онаи зорни йиғлатганимга йиғладим. Унсиз йиғладим.

Sirojiddin Tolibov



“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt
Муҳаррир: Замир Малик